



**QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASÍ JASLAR SIYASATÍ HÁM SPORT MINISTRILIGI
BUYRÍGÍ**

2«avgust»2023 jil.

628-A/F-san

Nókis qalası

**Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг 2023 йил
31 июльдаги 03/995-A/F-сон буйруғи ижроси ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг 2023 йил 31 июльдаги “Спортнинг байдарка ва каноэда эшкак эшиши тури бўйича ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон кубогини ўтказиш тўғрисида”ги 03/995-A/F-сон буйруғи ижросин таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг 2023 йил 31 июльдаги 03/995-A/F-сон буйруғи раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Спортнинг байдарка ва каноэда эшкак эшиши тури бўйича ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон кубогини (бундан буён матнда мусобақа деб юритилади) 2023 йил 30 июль – 3 август кунлари Тошкент вилоятида ўтказилиши инобатга олинсин.

3. Мусобақада иштирок этадиган жамоа аъзоларини сафар харажатлари сафарга юборувчи ташкилот томонидан қоплансин.

4. Олимпия ва паралимпия спорт турларини ривожлантириш шўъбаси бошлиғи (**А.Темирбаев**), Қорақалпоғистон эшкак эшиш федерацияси ижрочи директори (**А.Узақбаев**)лар билан биргаликда:

а) ушбу мусобақада Қорақалпоғистон Республикасининг терма жамоаси иштирокини таъминлаш вазифаси юклатилсин;

5 Ахборот хизмати (**А.Пиряров**)га:

мусобақанинг ўтказилиши билан боғлиқ жараёнларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритишга тавсия этиш ҳамда вазирликнинг ижтимоий тармоқларга жойлаштириш вазифаси юклатилсин.

6. Ахборот-таҳлил ва ижро интизоми шўъбаси етакчи мутахассиси (**Б.Толыбаев**)га:

мазкур буйруқ билан Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг тегишли бўлимларига ва вазирлик тизимидаги ташкилот ва муассасаларига юбориш вазифаси юклатилсин.

7. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вазир



А.Алланазаров